



**"Challenges and Innovative Solutions of Life Safety in Ensuring Sustainability in Economic Sectors"**

---

## ***Ensuring the Work of Working Personnel and Specialists in Industrial Buildings and Structures in Favorable Conditions***

***Akhmadiyorov Ulugbek Solijonovich-***

*PhD, Associate Professor, Department "QT and UTE"*

***Rizayev Akhadjon Khamroqul, Polatov Mirkamol Rasuljonovich –***

*Tashkent Institute of architecture and construction,*

---

**Abstract.** Management of working hours, rest time, safety measures and sanitary standards of labor legislation of the Republic of Uzbekistan, their operation at industrial enterprises in favorable conditions for labor protection of workers and employees.

**Key words:** labor protection, lighting equipment, sanitary rules, industrial buildings.

**Date of Submission:** 5-4-2022

**Date of Acceptance:** 10-5-2022

---

**Кириш.** Ҳозирги вақтда Республикаизда қурилиш ва саоноат соҳалари жадал равишда ривожланиб бормоқда. 2021 йилнинг 29 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олмалик кон-металлургия комбинатининг “Ёшлиқ-1” конига ташриф буюргандилар ва ишчиларнинг қулай шарт шароитларда ишлашини таъминлаш бўйича қатор курсатмалар бергандилар.

Мамлакатимиздаги ишчиларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, келажақдаги тараққиётнинг асосий талабидир. Республика аҳолисини камбағалликдан чиқариш ва мавжуд моддий, иқтисодий, интеллектуал ресурслардан оқилона фойдаланиш, чекланган заҳиралардан юқори самара олиш, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишининг олдини олиш ва муттасил ошириб бориш, инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да тўртинчи устувор йўналиш: - ижтимоий соҳани ривожлантиришда муҳим вазифалардан бири сифатида умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чоратадбирларини амалга ошириш назарда тутилган<sup>1</sup>, бу амалга оширилаётган ишлар жаҳонҳамжамиятида мамлакатда сифатли мутахассислар етишиб чиқишида

давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ташаббус сифатида юқори баҳоланмоқда. [1]

Шу қаторда мамлакатнинг иқтисодини ривожлантирувчи ва янги иш ўринлари яратувчи муҳим тармоклардан бири қурилиш соҳасидир. Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган рақамли иқтисодиёт даврида мамлакатимиз учун етук мутахассис ходимларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиш муҳим вазифалардан бири сифатида қарадмоқда. Шу боис ҳам олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият яратиш, педагог илмий ходимларга, профессор-ўқитувчиларга эътибор бериш, зарур молиявий эркинликларини таъминлаган ҳолда шарт-шароитлар яратиш, бу орқали мутахассислар тайёрлашни кучайтириш муҳимлиги долзарб бўлиб турган масалалардан биридир.

**Материаллар ва услублар.** Қурилиш обьектларини лойиҳалаштириш ва уни қурилишини амалга оширишдаги меъёрий талабларга риоя қилишда инновацион лойиҳавий ечимлар ва янги илмий-техник ишланмаларни қўллашда тўғри қарорларни қабул қила олмаслиқ, қурилиш соҳасига жалб этилаётган ҳорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнининг муддатини чўзиб юборишга олиб келмоқда. Демак, соҳамиздаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни замон тақазо этмоқда. Республикаизда бу масаланинг ҳам ечимига эътибор қаратилган. Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишини такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини професионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини таъминлаш бўйича Президентимиз фармонлари қабул қилинган.[2]. Талабалар билим олишида энг асосий омил бўлган, ўкув адабиётларнинг янги авлодларини яратиш бўйича ҳам Республикада сезиларли даражада ишларни амалга оширилиши учун, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қарорлари ҳам қабул қилинган, “янги авлод ўкув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўкув, ўкув - методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот - ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш”[3]. Ушбу фикрларга асосланган ҳолда айтиш ўринлики, талабаларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ҳам янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш, модулли технологияга асосланган таълим бўйича дарс бериш, мавжуд дарс бериш технологияларининг таркибини ва мазмунини такомиллаштириб бориш, ҳамда бу борада хизмат қилувчи педагог кадрларнинг малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш давр талабига айланмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон Фармони қабул қилинди[4]. Талабаларни модулли методика асосида ўқитиши - маҳсус фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга, ўқитишини жадаллаштириш, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга, қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга, имкон беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди.[5]. Ҳозирги шароитда талабалардан бўлажак мутахассислар сифатида билимини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан келиб чиқган ҳолда:

- **кредит**
- **модуль тизими;**
- **модулли таълим технологиялари;**
- **шаҳсга йўналтирилган таълим** орқали талабанинг фикрлаш ва ўзлаштириш хусусияти ҳамда қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган таълим орқали дарс бериш жараёнлари

такомиллаштирилиб талаба ўқиши учун имкониятлар яратишга мослаштирилишини назарда тутилган.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос жиҳати шундаки таълим оловчи шахсини тан олиш, шахс сифатида хурмат қилган ҳамда меҳр кўрсатган ҳолда, уни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай, зарур муҳитни яратишдан иборат. Модулли ўқитиш технологияси маҳсус иқтисодий фанларни ўқитишида талабаларда билим ва кўникмаларни шакллантиради ва яхши натижа беради. [6].

Бундан ташқари “таълим ва ишлаб чиқаришни ўзида мужассам этган қурилиш кластери эса нафақат олий таълим муассасаси, балки унинг таркибидаги техникумлар фаолияти самарадорлигини оширишда катта роль ўйнайди. Шу асосда ўрта бўғин техник ходимларини ҳам етказиб бериш зарур”.

### **Натижалар**

Ягона қоидалар икки асосий қисмлардан ташкил топган: умумий (1 қисм) ва маҳсус (2 қисм). 2 қисм ягона услугбият орқали соҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилади ва алоҳида соҳаларга йўналтирилади. Қоидалар қурилиш материаллари (ишлаб чиқаришдаги бавзи материаллар ҳам бунга киради) саноатининг барча лойиҳалаштирилувчи, янги қурилаётган, амалдаги ишлаб турган ва қайта лойиҳалаштирилувчи корхоналарга тааллуқли. [7].

Республикамиз қурилиш тармоғида фаолият олиб бораётган ходимларнинг тоифалари бўйича тақсимотига бир назар солайлик:

- Раҳбарлар – 4,6 % фоиз;
- Мутахассистлар – 10,4 % фоиз;
- Техник ходимлар – 4,1 % фоиз;
- Хизмат кўрсатувчи ходимлар – 9,7 % фоиз;
- Ишлаб чиқариш ходимлари – 71,2 фоизни ташкил этади.

Аҳолининг ёши бўйича “қурилиш” соҳасида хизмат қилувчи ишчи ходимлар сони:

- 18 ёшгача – 0,0 % фоиз;
- 18-29 ёшгача – 27,3 % фоиз;
- 30-39 ёшгача – 28,5 % фоиз;
- 40-49 ёшгача – 23,0 % фоиз;
- 50-54 ёшгача – 12,6 % фоиз;
- 54 ва ундан катта – 8,6 % фоиз.

“Қурилиш”и бўлган корхона ва ташкилотларда аҳоли сонининг маълумот даражаси бўйича тақсимланиши:

- Олий – 14,8 % фоиз;
- Ўрта маҳсус – 44,2 % фоиз;
- Ўрта ва тугалланмаган ўрта – 41 % фоиз.

Ҳар бир корхонанинг штатлар таркибида ўз фаолиятини корхона бош муҳандисининг ёки раҳбарининг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширувчи хавфсизлик техникаси хизмати кўзда тутилади. Ушбу хизматнинг асосий вазифаси қўйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш шикастликлари сабабларини бартараф этиш юзасидан ишларни ташкил этиш; корхонада ишлаб чиқариш ва техник хизматларни, меҳнат шароитини яхшилаш, хавфсизлик техникаси ва ҳимоя воситаларини такомиллаштириш ишлари устидан назорат қилиш; ишлаб чиқариш травматизми ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича ташкилий-техник ва санитар-гигиеник чора-

тадбирларни ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш, ўз фаолиятида корхона хавфсизлик техникаси хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари, вазирликлари ва идоралар кўрсатмалари, Республика Касаба уюшмалар қўмитаси ҳамда юқорида айтиб ўтилган ягона қоидалардан кўрсатма оладилар. Мехнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси қоидалари, хусусан, ягона қоидалар талабларига риоя қилинишининг назорати қурилиш ва қурилиш материаллари саноатининг ишчи-ходимлари техник инспекцияси томонидан, жамоатчилик назорати эса корхоналар касаба уюшма қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси жамоат инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Хавфсизлик техникасининг умумий қоидаларига ишга янги қабул қилинаётган ишчиларни тиббий қўриклардан ўтказиш ва йўриқнома билан таништириш, уларни хавфсиз иш амалларига ўргатиш, сигнал тизими, шикастланиш содир бўлиш пайтидаги уларнинг ҳаракати, шикастланган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва умумий тарздаги бошқа шу каби қоидалар киради.

Республикамизда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вазифалар, ишлаб чиқариш манфаатлари билан узвий боғланган. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалигини тараққий эттириш дастурини асосий элементларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилиги иш вақти, дам олиш вақти, хавфсизлик техникаси ва санитария қоидаларини бошқариб, меъёрга солиб туради. Улар қурилиш материаллари корхоналарида ишчи ва хизматчиларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида меъёрларини қўзда тутади.

**Натижалар ва хуносалар:** бу ходимлар эртага соҳада эришиладиган янги – янги ютуқларни таъминлайди ва уларнинг билимини, соҳа эгаларининг малакасини янада ошириб бориш, тизимни замонавий мутахассислар билан таъминлашда қўл келади. Бу Президентимиз тамонидан амалга оширилаётган ишларнинг натижасида, яъни учинчи Ренессанс ғояси албатта амалга ошишидан далолат беради. Бунинг учун:

- олий таълим муассасалари хорижий таълим даргоҳлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши зарурдир;
- олий ўқув юртлари нуфузини янада ошириш учун, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириш лозим;
- олий таълим муассасаларида соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиб билим бериш жараёнида рақобатни кучайтиришни талаоб этади;
- олий таълим муассасаларидаги ёшларга ўзини – ўзи бошқариш учун кўпроқ имкониятлар яратиш керак;
- олий таълимда ёшларнинг ўрни борлигини уларга сингдириш зарур (чунки, улар доимо кўркиб ҳаракат қиласади);
- қурилиш соҳасининг ривожида ёшларга хорижий тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этишини англай билишига ёрдам беришни ташкил этиш лозим;
- қурилиш соҳасини ўрганаётган ёшлар, ўз билимини ошириш учун кўпроқ амалиёт билан боғлаб ўтиш вақти келганлигини билиши зарур, ёшлар шу соҳанинг келажаги эканлигини билиши керак албатта.

Президентимиз халқимиз ва ёшларга қаратади: “Оғир йил кутиб турибди. Қилсак бўлади, лекин халқимиз таъбири билан айтганда сув келса симириб, тош келса кемириб, танлаган йўлнимиздан қайтмаслигимиз шарт. Нега деганда ҳаётда ҳеч нарса ўз - ўзидан бўлмайди. Ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким бизга беғараз ёрдам бермайди. Бугун гап халқимиз, ватанимиз, болаларимиз келажаги ҳақида бормоқда. Барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, барча тажрибамизни ватанимизга сафарбар этишимиз керак. Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмаслигимиз керак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол ишласак, ўз олдимизга қўйган мақсадларга албатта

етамиз” дея сўзини якунлаган.[8]

**Хулоса:** юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтганда Республикаиздаги аксарият саноат бинолари собиқ Совет Иттифоқ даврида қурилганини инобатга олиб, уларни таббий ёруғлик, ҳавонинг табиий айланиш тизими, ускуналардан чиқадиган шовқиндан химоялаш воситаларини ривожлантиришга ёкида замонавийларидан фойдаланишга бўлган талабни орттиromoқда. Мехнатни муҳофаза қилиш ва унинг ажралмас қисми бўлган хавфсизлик техникаси Ўзбекистон ҳукуматининг, хўжалик ва касаба уюшма органларининг халқ тўғрисидаги ғамхўрлигининг тимсоли сифатида гавдаланмоқда. Модул тизимида эса талабаларга ўкув материалларини босқичма - босқич ўқитиш орқали маҳсус фанларни самарали ўзлаштиришга эришилади. Ҳукуматимизнинг бу ташабbusлари олий таълимда, ишлаб чиқаришда умуман олганда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги соҳаларда яратилаётган имкониятлардан максимал дарачада фойдаланган холда учунчи Ренессанс ғоясини албатта амалга ошишига бўлган юқори ишонч, бизларга катта далда (мотивация) ва куч беради. Олий таълим муассасаларимизда таълим олаётган ёшлар билан биргаликда Президентимизнинг мазкур даъвати ва кўрсатаётган ғамхўрлиги жавобан, намунали интизомимиз, етук билимимиз ва тафаккуrimиз, қурилиш соҳасидаги истиқболли ғоялар ва ташабbusларимиз билан юртимиз равнақига муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. “Курилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишини такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги №5577-сонли Фармони, Тошкент ш, 2018 йил 14 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ -2909 - сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5789-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
6. Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Мирсолиева М. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўкув-услубий мажмуа. Т.: 2016 й. 53-бет.
7. Р.И. Холмурадов. Қурилишнинг қалдирғоч кластери нафақат самарали, балки ўрнак ҳам бўлиши керак. “Халқ сўзи” газетаси. 24.11.2020.
8. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиевинг Олий Мажлисга Мурожатномаси” Тошкент шаҳри 2018 йил, 28 – декабр.